

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати 2026 йил январь

- I. Саноат ишлаб чиқариши
- II. Инфляция даражаси ва истеъмол нархлари индекси
- III. Бажарилган қурилиш ишлари
- IV. Чакана савдо товар айланмаси
- V. Ташқи савдо айланмаси
- VI. Кўрсатилган бозор хизматлари
- VII. Корхона ва ташкилотлар сони



I. Саноат ишлаб чиқариши

2026 йилнинг январь ойида республика корхоналари томонидан **85 057,6** млрд сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди ва саноат ишлаб чиқариши индекси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **107,8 %** ни ташкил этди.

Шу билан бирга, саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида ишлаб чиқарадиган саноатнинг улуши **83,1 %**, тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш саноати **7,6 %**, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш **8,7 %**, сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш **0,6 %** ни ташкил этди.

Саноат ишлаб чиқариши ўсишининг асосий омили бу ишлаб чиқарадиган саноат корхоналарида ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **7,9 %** га, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашда **5,5 %** га, тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш саноатида **7,7 %** га, сув билан таъминлаш, канализация тизими, йиғиш ва утилизация қилиш саноатида физик ҳажм индекси **14,1 %** га ошганлигидир.

Қайта ишлаш саноати ҳажмларининг ўсишига бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши (2025 йилнинг январь ойига нисбатан **3,1 б.**), шунингдек, бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқарувчи корхоналардаги ўсиш (**2,3 б.**) сезиларли таъсир кўрсатди.

Шу билан бирга, кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхоналарида (2025 йилнинг январь ойига нисбатан **94,9 %**) ҳамда бошқа транспорт ускуналарини ишлаб чиқаришда (**83,5 %**) ҳажмларнинг пасайиши кузатилди.



II. Инфляция даражаси ва истеъмол нархлари индекси

2026 йил январь ойида республика истеъмол секторидаги инфляция даражаси **0,7 %** ни ташкил этди.

2026 йил январь ойида озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ўртача **0,8 %** га қимматлашиб, инфляция даражасига **0,32** фоиз пункт (ф.п.) таъсир қилган бўлса, нооziқ-овқат маҳсулотлари нархлари ушбу даврда **0,4 %** га қимматлашиб, умумий кўрсаткичга **0,14** ф.п. таъсир қилган, хизматлар эса **0,8 %** га қимматлашиб, умумий кўрсаткични **0,21** ф.п. ошишига таъсир кўрсатган.

2025 йилнинг декабрига нисбатан ИНИ юқори чегараси **140,8 %** ("Суғурталаш ва молиявий хизматлар"), қуйи чегараси — **100,1 %** га ("Таълим соҳасидаги хизматлар") этди.

2026 йилнинг январь ойидаги қисқа муддатли йиғма кўрсаткичга "Озиқ-овқат ва спиртсиз ичимликлар" юқори таъсир кўрсатиб, ИНИ кўрсаткичини **0,32** ф.п. га (умумий ўсишнинг **47,8 %** и) оширди. "Суғурталаш ва молиявий хизматлар", "Маиший товарлар ва хизматлар, турли товарлар ва хизматлар" бўлимларидаги нарх ўзгаришлари ойлик йиғма кўрсаткични жами ҳисобда **0,18** ф.п. га оширди. Қолган бўлимларида нархларнинг ошиши йиғма кўрсаткични яна **0,17** ф.п. га оширди.



III. Бажарилган қурилиш ишлари

2026 йилнинг январь ойида **13 021,0** млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, 2025 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати **109,2 %** ни ташкил этди. Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг **3 004,3** млрд сўми ёки **23,1 %** йирик корхона ва ташкилотлар томонидан, **5 996,6** млрд сўми ёки **46,0 %** кичик корхоналар ва микрофирмалар томонидан, **4 020,1** млрд сўми ёки **30,9 %** норасмий сектор субъектлари томонидан бажарилди.



IV. Чакана савдо товар айланмаси

2026 йилнинг январь ойида чакана савдо товар айланмаси **32 698,4** млрд сўми ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **14,7 %** га ўсди.

Йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмаси 2025 йилнинг январь ойига нисбатан **37,7 %** га ўсди, бу эса умумий савдо ҳажмининг **20,7 %** улушига тўғри келади. Кичик бизнес субъектларининг чакана товар айланмаси 2025 йилнинг январь ойига нисбатан **9,4 %** га ўсган. Республика миқёсида ушбу секторнинг жами чакана савдо товар айланмасидаги улуши **66,9 %** ни, уюлмаган савдо товар айланмаси **12,4 %** улуш билан **4 063,0** млрд сўми ташкил этди.



V. Ташқи савдо айланмаси

2026 йилнинг январь ойи якуни билан республиканинг ташқи савдо айланмаси **5 830,5** млн АҚШ долларини ташкил этиб, 2025 йилнинг мос даврига нисбатан **1 318,6** млн АҚШ долларига ёки **29,2 %** га кўпайди. Экспорт ҳажми **1 693,1** млн АҚШ долларига етди, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **26,7 %** га ошди. Импорт **4 137,4** млн АҚШ долларига етиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **30,3 %** га ошди.

Экспорт таркибида товарлар улуши **56,2 %** ни ташкил этди, шу жумладан саноат маҳсулотлари – **18,1 %**, озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар – **10,0 %**, кимёвий воситалар ва шунга ўхшаш маҳсулотлар – **10,0 %** ва ҳар хил тайёр маҳсулотлар – **7,1 %** бўлди.

Импорт таркибида асосий улушни машиналар ва транспорт ускуналари (**35,9 %**), саноат товарлари (**13,9 %**), шунингдек, кимёвий моддалар ва уларга ўхшаш маҳсулотлар (**11,8 %**) ташкил этди.



VI. Кўрсатилган бозор хизматлари

2026 йилнинг январь ойида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми **80 474,8** млрд сўми ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **14,8 %** га ўсди.

Кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмининг ўсишига молиявий хизматларнинг **20,2 %** га (кўрсатилган умумий бозор хизматлари ҳажмининг ўсишидаги таъсири **3,6** ф.п.), яшаш ва овқатланиш хизматлари **17,3 %** га (ўсишдаги таъсири **2,8** ф.п.), савдо хизматлари **16,8 %** га (ўсишдаги таъсири **2,7** ф.п.), транспорт хизматлари **9,4 %** га (ўсишдаги таъсири **2,0** ф.п.), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари **13,3 %** га (ўсишдаги таъсири **1,1** ф.п.) ўсиши ижобий таъсир кўрсатди.

Норасмий ва яширин иқтисодиётни статистик баҳолаш бўйича ўтказилган кузатувлар натижаларини қўшган ҳолда кўрсатилган бозор хизматларининг энг катта ҳажми транспорт хизматлари (**15 633,3** млрд сўм, **109,4 %**), молиявий хизматлар (**14 935,8** млрд сўм, **120,2 %**), яшаш ва овқатланиш хизматлари (**13 819,2** млрд сўми ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати **117,3 %** га етди) ва савдо хизматлари (**12 863,6** млрд сўм, **116,8 %**)га тўғри келади.



VII. Корхона ва ташкилотлар сони

2026 йил 1 февраль ҳолатига республикада фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг сони **482,4** мингтани (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари) ташкил этди, улардан кичик корхона ва микрофирмалар **411,1** мингта. Худудлар бўйича жойлашган энг кўп сони эса Тошкент шаҳри (**110 188** та), Тошкент (**47 273** та), Самарқанд (**41 982** та), Фарғона (**38 351** та), Қашқадарё (**30 884** та), Бухоро (**29 243** та) ва Андижон (**27 455** та) вилоятлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг энг кўп сони савдо соҳасида – **155 609** та, саноат соҳасида – **60 552** та, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги соҳасида – **35 941** та, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида – **30 917** та ҳамда қурилиш соҳасида – **31 053** тани ташкил этди.

2026 йил январь ойида республикада **7,2** мингта корхона ва ташкилотлар янги ташкил этилди, шундан **7,1** мингтаси кичик корхона ва микрофирмалардир.

2026 йил 1 февраль ҳолатига кўра республикада чет эл инвестициялари иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналар сони **18 513** тани ташкил этди. Уларнинг **4 282** таси қўшма корхоналар ва **14 231** таси хорижий корхоналардан иборат.

Тайёрлаш учун масъул:
Статистика маълумотларини
мувофиқлаштириш ва тарқатиш
бошқармаси

Манзил: 100170, Тошкент,
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63
Контактлар: info@stat.uz
Тел.: +998 71 203-80-00 (1045)

